

## Коллеж ўқувчиларида ватанпарварлик туйғуси

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, жорий йилнинг 13 декабрь санасидаги Р-5413 Фармойишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини сифатли таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ва уни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, ёшлар билан «**Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!**» деган умумий ғоя остида тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, Республика Маънавият ва маърифат маркази Юнусобод тумани бўлинмаси билан ҳамкорликда ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаси профессор-ўқитувчилари таълим муассасаларига ташриф буюриб, у ердаги ёшлар билан давра суҳбати олиб бордилар. Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежида ташкил этилган давра суҳбатида ҳарбий кафедра катта ўқитувчиси резервдаги подполковник Эргашев Хайдар Икрамович ва ҳарбий кафедра зирхли техникаларни жангда қўлланиши цикл талабалари институт ва шаҳар миқёсида ўтказилган спорт мусобақалари ҳамда фан олимпиадалари совриндорлари, талабалар Раҳманов Хабибулло Абдулла ўғли, Абдумажидов Эрали Бегали ўғли шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, имтиёз асосида олий таълим муассасасининг талабалар сафидан ўрин олган талаба Абдуманнонов Акмал Анваровичлар қатнашдилар.

Давра суҳбати давомида ўқувчиларга ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги видеороликлар ва тақдимот материаллари намойиш қилинди. Ўқувчилар орасида Сингапурда ўтказилган қўл жанги санъати мусобақаси ғолиби 3-курс ўқувчиси Салимов Абдумалик Ғолибжон ўғли, шаҳар миқёсида ўтказилган мусобақаларда фаол иштирок этиб совринли ўринларни эгаллаган 2-курс ўқувчиси Эргашев Абдурахмон Бобур ўғли томонидан тадбир ташкилотчиларига берилган саволлар суҳбатнинг янада қизиқарлироқ тус олишини таъминлади.



**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти  
ҳарбий кафедраси бошлиғи подполковник Р. Минлишев ахбороти**

**Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**